

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севаги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 15 август • № 32 (1001)

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

ДАРДИНГИЗГА МАЛҲАМ БЎЛАЙ!

Бу – тиббий кўрикда иштирок этаётган шифокорнинг қалб даъватидир



Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги улуг ва ёрқин сана – Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Дарҳақиқат, инсоният тарихида мустақилликдан кўра азизроқ ва қимматлироқ ҳеч нарсанинг ўзи йўқ ва бўлмайди ҳам. Чунки истиқлолимиз бизга адолат ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида, миллий ғурур туйғуси ва ўзликни англаш негизида янги сиёсий ва ижтимоий келажакни барпо этиш имкониятини берди. Қолаверса, эътирофлиси шундаки, барча соҳалардаги ўсиш ва ўзгаришлар, халқ ва мамлакатнинг эришиши мумкин бўлган жамики муваффақиятлари, унинг жаҳондаги обрў-эътибори ортиб бориши, аввало мана шу омилга чамбарчас боғлиқ.

Тарихан қисқа давр ичида биз қандай ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда, “Ким эди-гу, ким бўлди?” деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаганимиз ҳам бежиз эмас. Чунки биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва ҳеч кимдан кам бўлмаслиги-

мизни бугунги тарраққийёт йўли-мизнинг ўзи кўрсатиб турибди. Барча соҳалар каби тиббиётнинг изчил ривожланганлиги, аҳоли саломатлиги, хусусан она-бола саломатлиги давлат сиёсати даражасигача кўтариллиши замирида ҳам масъулиятли ва машаққатли меҳнатлар ётади. Бугун дунё

бизнинг ютуқларимизга ҳавас билан қарамоқда. Илғор тажрибаларимиз тан олинган. Зеро, ҳар йили мустақиллик байрами арафасида республикада тиббиёт муассасаларида ҳам тайёргарлик ишлари, жумладан, чуқурлаштирилган тиббий кўриklar, турли тадбирлар ҳамда ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилади. Шу билан бирга, замонавий даволаш иншоотлари фойдаланишга топширилади.

Таъкидлаш муҳимки, ҳар йили мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига кўра, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги 2133-сонли “Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида”-ги Қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21 июлдаги 258-буйруғи қабул қилиниб, бунга кўра 11-16 август кунлари республикада микёсида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида кенг тарздаги чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўз ишини бошлади. Ушбу тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ва юқори малакали шифокорлари ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирок

этноқда. Хизмат сафари давомида Тошкент вилояти ҳудудида ўтказилаётган мазкур тадбирда иштирок этиб, соҳа мутахассислари ҳамда аҳоли билан суҳбатда бўлди.

Феруз НАЗИРОВ,
Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, профессор, гуруҳ раҳбари:

– Беш йилдирки, Президентимиз ташаббуси билан ушбу тадбирнинг ташкил этилганлиги ўз самарасини бериб, авваламбор аҳолининг ўз саломатлигига эътибори ва шифокорга бўлган ишончи ортаётганлигини кўряпмиз.

(Давоми 2-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ - АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА



Фарғона вилоятида туғруқ мажмуалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса оналар ва болалар саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Данғара тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ мажмуаси ҳам «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, мажмуа ходимларига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Муқимжон КОДИРОВ
олган сурат.
ЎЗА.

УШБУ СОНДА:

Огоҳ бўлинг

ЭБОЛ ГЕМОРАГИК ИСИТМАСИ

3

Жарор ва ижро

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

4

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

ДАРДИНГИЗГА МАЛҲАМ БЎЛАЙ!

Бу – тиббий кўрикда иштирок этаётган шифокорнинг қалб даъватидир

Айниқса, ўтказилаётган тиббий кўрикда юқори малакали соҳа мутахассисларининг иштироки касалликларни аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ҳамда даволанишга муҳтож

ниб, соғломлаштирилди. Бу галги кўрикда ҳам айрим болаларда турли хилдаги касалликлар қаторида туғма нуқсонли юрак етишмовчилиги касалликлари аниқланиб, уларга ҳам тегишли

фикрларини сабр-тоқат билан тинглаб, тўғри тавсия ва маслаҳат бермоқдалар. Тадбирнинг яна бир аҳамиятли томони – мутахассисларимиз томонидан операция жараёнлари маҳаллий тиббиёт муассасасида амалга оширилмоқда.

Тиббий кўриқка келаётган ҳар бир фуқаронинг мутахассисларимизга дардларини тортинмасдан айтишлари ва бизга бўлган ишончлари мени гуруҳ раҳбари сифатида мамнун этди. Айниқса, айрим беморлар бундай меҳр ва эътибордан хурсанд бўлиб, секин кўзёшлари билан чиқиб кетишларини кузатиш биз шифокорларга рағбат бағишламоқда.

**Низом АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош хирурги:**

– Анъанавий тарзда давом этаётган мазкур тадбирда Тош-


кама этишлари биз шогирдлар, қолаверса маҳаллий шифокорлар учун катта мактаб бўлмоқда. Бу жараёнда пойтахтимиздан келган малакали тиббиёт ходимлари билан бирга вилоят, туман, марказий поликлиникаларнинг шифокор ва ҳамширалари ёнма-ён иш олиб боришлари натижа-сида ҳам амалий, ҳам назарий билимга эга бўлмоқдалар. Бундан ташқари, тажрибали хирурглар томонидан жойларда ўтказилаётган мураккаб операция жараёнлари ҳам аҳоли учун катта қулайликлар яратмоқда. Албатта, бундай тиббий кўриқлардан асосий мақсад, аниқланган хасталикларни ўз вақтида даволаш баробарида касаллик кўрсаткичларини камайтиришга эришишдир.



ри бош мутахассислари билан биргаликдаги фаолиятимиз жараёнида маҳаллий шифокорларнинг ҳам билим ва тажрибалари борлигини гувоҳи бўлдим. Ҳамкасбаримиз марка-



бўлган беморларга имтиёзли тарзда амалий ёрдам ҳамда пойтахтимизнинг етакчи клиникаларига бепул йўлланма берилиши, бу албатта давлатимиз томонидан инсон саломатлигига бўлган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Жорий йилдаги тадбирда Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри, Чирчиқ, Бўстонлик, Паркент, Юқори Чирчиқ, Зангиота, Қибрай, Янгийўл, Чиноз, Оҳангарон ва Бекобод туманларида истиқомат қилаётган фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилган. Шу кунга қадар Зангиота, Янгийўл, Чиноз, Бекобод ва Олмалик шаҳарлари аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдик. Текширувлар натижасида болалар ва катталарда учрайдиган



тавсиялар ҳамда операцияга муҳтожларига имтиёзли йўлланмалар берилди. Гуруҳимизда ўз

кент вилояти бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўриқда академик В. Воҳидов номидаги Рес-

публика иختисослаштирилган урология маркази директор ўринбосари, профессор:

**Шухрат МУХТОРОВ,
Республика иختисослаштирилган урология маркази директор ўринбосари, профессор:**

– Тошкент вилоятининг Зангиота, Чиноз, Янгийўл туманлари ҳамда Бекобод шаҳри аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш чоғида уларнинг айримларида сийдик-тош касаллиги, сийдик йўллари инфекцияси, уроонкологик, простата безининг хавфсиз гиперплазияси ва пешоб тутулмаслиги каби касалликлар борлиги аниқланди. Касаллик аниқланган беморлар ҳолатига қараб уч тоифага бўлинди, даволаш муолажалари тайинланди. Биринчи – консерватив даволаш, иккинчи – туман, вилоят шифохонала-

ри бош мутахассислари билан биргаликдаги фаолиятимиз жараёнида маҳаллий шифокорларнинг ҳам билим ва тажрибалари борлигини гувоҳи бўлдим. Ҳамкасбаримиз марка-

**Зулхумор УМАРНАЗАРОВА,
Республика иختисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази педиатри, тиббиёт фанлари доктори:**

– Давом этаётган мазкур тадбиримиз йилдан-йилга ижобий натижа бермоқда. Тўрт йилдан буён чуқурлаштирилган тиббий кўриқда қатнашиб келаяпман. Жумладан, Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган болажонларимиз саломатликларини текширувдан ўтказиб, керакли тавсия ва маслаҳатларимни бериб келмоқдаман. Дастлабки йилларга қараганда жорий йилда болаларда долзарб касалликлардан бири бўлган диарея касалликлари

**Ҳамида ОРТИҚОВА,
Зангиота тумани фуқароси:**

– “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” деб номланган тиббий кўриқда саломатлигимни текширтириш учун келдим. Чап кўз қовоғим тепасида бир шиш пайдо бўлган эди. Тадбир олдида поликлиника ҳамширалари ушбу тадбирга тажрибали мутахассислар замонавий аппаратларда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишини айтишди. Мен аввало, тажрибали хирург, академик В. Воҳидов номидаги Республика иختисослаштирилган хирургия маркази директори, профессор Феруз Назиров ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош хирурги Миршавкат Акбаровлар қабулида бўлдим. Уларнинг чап кўз қовоғимда фиброма борлиги ва уни тезда операция қилиш муҳимлигини айтишди. Профессор Феруз Назиров ўзлари фаолият юритиб келаётган марказга имтиёзли йўлланма бериб, касаллик тарихи тўғрисида чуқур тушунча бердилар. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Шунингдек, УТД, ЭКГ, флюорография аппаратлари ҳамда стоматолог, ЛОР, терапевт, акушер-гинеколог, эндокринолог, офтальмолог, невропатолог, кардиолог текширувдан ўтиб, мутахассислар томонидан ижобий фикрларни эшитгач, кўнглим хотиржам бўлди. Аввало, халқ саломатлигини ўйлаб, бу каби кўриқларни ташкил этаётган Соғлиқни сақлаш вазирлигига, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Зангиота тумани кўп тармоқли марказий поликлиника ходимларига ўз миннатдорлигимни билдираман.

турли хил касалликлар аниқланиб, уларнинг айримларига жойларда даво муолажаларини олиш буюрилган бўлса, операция зарур беморларга эса, пойтахтнинг иختисослаштирилган клиникаларига бепул йўлланма бердик. Кўриқдан асосий мақсад бемор аҳоли кузатилиб, номигагина тавсия ва маслаҳат бериш эмас, балки у юборилаётган тиббиёт муассасаси раҳбари билан узвий алоқада бўлиб, бемор соғломлаштирилгунча масъулликни ўз зиммамизга олишимиз зарур. 2014 йилнинг март ойида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўриқда туғма юрак нуқсонли билан хасталанган болалар В. Воҳидов номидаги Республика иختисослаштирилган хирургия марказида имтиёзли равишда операция қили-

касбининг билимдонларидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош хирурги, профессор Миршавкат Акбаров, Республика иختисослаштирилган урология маркази профессори Шухрат Мухторов, вазирлик бош невропатологи Бахтиёр Ғафуров, Республика иختисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази педиатр-врачи Зулхумор Умарназарова, Республика иختисослаштирилган терапия ва реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази терапевти Умида Комилова ва бир қанча юқори малакали мутахассислар ушбу тадбирда фаол иштирок этиб, беморларга тўғри ташхис қўйиш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш, шу билан бирга деонтология қоидаларига амал қилаётганликларининг ўзи тадбир рисоладагидек ўтаётганидан далолат беради. Улар фуқаролар

**Музаффар ФУЛОМОВ,
Зангиота тумани фуқароси:**

– Ёшим 22 да. Бир йилдан буён бел соҳам оғриб, безовта қиларди. Поликлиникамиз шифокорлари тиббий кўриқ ўтказилиши ва унда пойтахтимизнинг етакчи даволаш муассасалари шифокорлари қатнашиши тўғрисида айтиб, уролог қабулига киришимни тавсия қилишди. Бел соҳамдаги оғриқ сабаби, буйрак-тош касаллиги ҳамда асоратланган сийдик йўли инфекцияси борлигидан экан. Малакали профессор Шухрат Мухторов касаллигим тўғрисида чуқур маълумот бериб, аввало вилоятимиздаги шифо масканида даволанишим, сўнгра буйрагимдаги тошни Республика иختисослаштирилган урология марказида лазер йўли билан олиб ташлаш зарурлигини айтди. Шухрат Мухторовнинг хушмуомалалиги руҳиятимни кўтариб, ушбу дарддан тезда халос бўлсам, ҳарбий хизматни аъло даражада ўташим мумкинлигини таъкидлади. Шухрат акадек ўз касбининг билимдони, куюнчак шифокорлар кўпроқ бўлса, дейман.

публика иختисослаштирилган хирургия маркази директори, профессор Феруз Назиров бошчилигидаги гуруҳ аъзолари ҳар йили фаол иштирок этиб, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда касалликларнинг олдини олишда бор билим ва кучларини сарф қилмоқдалар. Айниқса, профессор Феруз Назировнинг беморлар билан мулоқоти, касаллик ташхисларини аниқлаш-

ри ва марказий поликлиникаларда даво муолажаларини олиш, учинчи – касалликнинг оғир патологияси ҳамда иختисослашган ёрдамга муҳтожлиги бўлса, албатта Республика иختисослаштирилган урология марказига йўлланма берилади. Биз ана шу томонларига ҳам катта эътибор қаратяпмиз. Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман тиббиёт бирлашмала-

кескин камайиб кетганлиги, шу билан бирга болаларнинг ривожланиши ва ўсиши ижобий томонга ўзгараётганлигини кўриб хурсанд бўлдим. Бунинг сабаби, оналарнинг тиббий маданияти ўсганлиги ҳамда фарзандларини кўкрак сути билан боқиш, шунингдек, тўғри овқатлантиришга жиддий эътибор бераётганликларидадир. (Давоми 3-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

ДАРДИНГИЗГА МАЛҲАМ БЎЛАЙ!

Бу – тиббий кўрикда иштирок этаётган шифокорнинг қалб даъватидир

Дилфуза МУХАМЕДОВА,
Зангиота тумани фуқароси:

– Қизим Дилноза 6 ойлик. У туғилганда шифокорлар томонидан фарзандимга бош мия қоринчалари ичида қон қуйилиш ташхиси қўйилди. Шифокорларнинг тавсияси билан ўз вақтида даволандик. Тиббий кўрикда пойтахтдан келган педиатр-врач Зулхумор Умарназарова қабулида бўлган, Дилнозанинг соғлиги ижобий томонга ўзгарганлиги, шунингдек, вазни, ўсиши ва ривожланиши меъёрида эканлигини эшитиб, хотиржам бўлдим. Биз оналар ва фарзандларимиз саломатлиги учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган давлатимизга катта раҳмат айтиб қоламиз.

Бундай ижобий натижаларга эришишда жойларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бирламчи бўғим тизимини шакллантиришга оид чиқарилган буйруқлар ижросининг амалда бажарилаётганлигидан далолат бериб турибди. Бунинг исботи сифатида айтишим мумкинки, Зангиота туманида истиқомат қилаётган 50 нафар кичкинтойлар саломатлигини текширганимизда, уларнинг 3 нафаригагина бирламчи ташхис қўйди. Жорий йилда республика миқёсида ўтказиб келинаётган худудий семинарларнинг бирламчи бўғим фаолиятига (турли йўналишларда) бағишланганлиги ва унда кўтарилаётган долзарб масалаларнинг кенг оммага етказилаётганлиги ҳамда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи тўлақонли тарзда олиб борилаётганлиги бирламчи ташхис қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир-бирига узвий боғланган семинар, саломатлик ҳафталикларида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Эътирофлиси шундаки, Юртбошимиз 2014 йилни бежизга "Соғлом бола йили" деб

(Давоми. Боши
1-2-бетларда).



атамадилар. Биринчи ўринда биз шифокорлар зиммасига катта масъулият юкланиши билан бирга, ота-она, қолаверса кенг жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлиқда ҳаракат қилиши муҳим деб ўйлайман.

Нигора МАҲКАМОВА,
Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ЛОР кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори:

– Тўрт йилдирки, ушбу чуқурлаштирилган тиббий кўрикда иштирок этиб келяпман. Олдинги йилларга қараганда қулоқ, томоқ, бурун касалликлари кўрсаткичи анча пасайган. Бу албатта аънамага айланиб бораётган

тиббий кўрик самарасидир. Чиноз, Янгийўл, Зангиота туманларида истиқомат қилаётган аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш чоғида болаларда бурун ёндош касалликлари яллиғланиши, катталарда эса эшитиш фаолияти пастлиги, овоз боғламлари ўзгариши каби касалликлар кўпроқ учради. Мутахассис сифатида айтмоқчи эдимки, юқорида тилган олинган туман-



Ақида АЗИМОВА,
Тошкент вилояти Зангиота тумани кўп тармоқли марказий поликлиника бош врач:

– "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилаётган тадбир халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда ва касалликларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олишда айна муддао бўлди. 11-12 август кунлари марказий поликлиникамизда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори, профессор Феруз Назиров раҳбарлигидаги гуруҳ Зангиота, Янгийўл ва

Чиноз туманларида истиқомат қилувчи аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди. Поликлиникамизда мутахассислар фаолияти ҳамда аҳолининг тиббий кўриги учун барча зарурий шароитлар яратилди. Жумладан, энг сўнгги русумдаги УТД, ЭКГ, рентген ва офтальмологик аппаратлар беморларга тўғри ташхис қўйишда катта ёрдам берди. Шунингдек, юқори малакали профессорларнинг тавсия ва маслаҳатлари, шу билан бирга республиканинг етакчи клиникаларига берган имтиёзли йўлланмалари аҳоли саломатлигига бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Дарҳақиқат, "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилаётган тадбир республикаимиз бўйлаб кўтаринки кайфиятда ўтмоқда. Шундай экан, мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида ўтказилаётган бундай эзгу тадбир халқимиз саломатлиги, турмуш фаровонлиги ва бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатларини янада мустаҳкамлашда асосий омил сифатида хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.

Огоҳ бўлинг!

ЭБОЛ ГЕМОМРАГИК ИСИТМАСИ

Глобаллашув даврини бошдан кечираётган инсоният ҳаётида илгари кузатилмаган турли эпидемия ва касалликлар қайд қилинмоқда. Бу юзага келган муаммони тезликда ҳал қилиш заруратини келтириб чиқаради. Оммавий ахборот воситалари орқали олинаётган маълумотларга кўра, Фарбий Африканинг Гвинея, Либерия, Нигерия ва Сьерра Леоне давлатларида Эбол гемморрагик иситма касаллиги бўйича эпидемик вазият мураккаблигича қолмоқда. Касаллик Африка қитъасидаги маълум бир худудларда, йилнинг асосан баҳор ва ёз фаслларида қайд этилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари томонидан тарқатилган маълумотда ушбу давлатлар худудларида 1848 нафар шахс Эбол касаллигига чалиниб, уларнинг 1013 нафари эпидемия туфайли ҳаётдан кўз юмган. Хўш, Эбол гемморрагик иситма қандай касаллик? У вирусли гемморрагик иситма масталиклари гуруҳига мансуб бўлиб, унинг кўзгатувчиси биринчи марта 1976 йилда Африка қитъасидаги Зоир давлати Эбол дарёси бўйидаги аҳоли пунктларида яшовчи айрим кишилардан тарқалганлиги боис, унга Эбол иситмаси деб ном берилган.

Эбол гемморрагик иситма касаллиги турли хил йўллار билан юқадиган, оғир кечадиган ва ўлим даражаси жуда юқори, яъни 30-90 фоиз бўлган, иситма ҳамда гемморрагик синдром (қон кетиш белгилари) яққол намоён

бўлувчи контагиоз ўткир ўта хавфли юқумли касалликдир. Бугунги кунга қадар касалликнинг резервуар ва асл манбалари аниқланганча йўқ. Лекин касаллик кўзгатувчисининг асосий манбаи фақат шу дардга чалинган бемор эканлиги исботланган.

Касаллик бир кишидан иккинчи одамга асосан, мулоқот йўли билан юқади. Қон ва қон сақланган биологик суяқликлар касалликнинг етакчи юқиш омиллари ҳисобланади. Вирус организмга теридagi турли жароҳат, нафас йўллари ва ошқозон-ичак тракти орқали киради. Бундан ташқари, касаллик ҳаво-томчи йўли билан ҳам юқиши мумкин, дея таҳмин қилинади. Касалликнинг жинсий йўл билан юқиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Вирус яқин жойлашган лимфа тугунларида кўпайиб, кейин қонга тушади ва паренхиматоз органларга сингишиб, уларни шикастлайди ҳамда қон томири

деворлари ўтказувчанлигини ошириб, гемморрагик белгилар келиб чиқишига сабаб бўлади. Касалликнинг клиник белгиларида ўзига хослик бор, унинг яширин даври ўртача 7-14 кун давом этади. Тана ҳароратининг

Эбол гемморрагик иситма касаллиги турли хил йўллار билан юқадиган, оғир кечадиган ва ўлим даражаси жуда юқори, яъни 30-90 фоиз бўлган, иситма ҳамда гемморрагик синдром (қон кетиш белгилари) яққол намоён бўлувчи контагиоз ўткир ўта хавфли юқумли касалликдир.

кўтарилиши (38-40°C), кучли интоксикация аломатлари, яъни бош оғриши, кўнгил айнаши, тўхтовсиз қусиш, ичнинг қон аралаш кетиши ва терининг бутун қисмида тошма тошиши касалликнинг етакчи белгиларидир.

Ақсарият беморларнинг даставвал кўкрак қисмида оғриқ пайдо бўлиб, қуруқ қийноқли йўтал кузатилади. Касалликнинг 3-5 кунлари 70 фоиз беморда гемморрагик аломатлар кўзга ташланади (оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва миллардан, бурундан, ошқозондан, ичаклардан ва қиндан қон кетади, терида тошма пайдо бўлади). Бемор сувсизланиш, қон кетиши ва кучли интоксикациядан вафот этади.

Кузатилаётган клиник аломатлар ва эпиданамнез маълумотларга (касалликнинг эпидемик ноҳуш давлатлардан келганлигига) ҳамда вирусологик

текширув натижаларига асосан, беморга ташхис қўйилади. Хасталикни махсус даволаш усуллари ва профилактикаси ишлаб чиқилмаган. Патогенетик ва симптоматик даволаш усуллари қўлланилади.

Республикаимиз худудига ушбу касаллик фақат эндемик худудлардан кириб келиши мумкин. Шу сабабли, гемморрагик иситма касаллиги бўйича эпидемик ноҳуш давлатлардан келган фуқаролар худудий даволаш-профилактика муассасалари томонидан 21 кунлик тиббий кузатувга олинади.

Касалликка гумон қилинган бемор тегишли шифохонага ётқизибли, унда эпидемияга қарши шилинч чора-тадбирлар амалга оширилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидagi Вирусология илмий-тек-

шириш институтида аниқланган беморни даволаш учун махсус бокс тайёрланиб, унга дори-дармон берилиши керак.

Эбол гемморрагик иситма касаллигининг республикаимиз худудига четдан кириб келмаслигига кафолат йўқ, хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Юқумли касалликлар мамлакатимизга четдан кириб келмаслиги учун давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларида (халқаро аэропорт, темир йўли, автомагистраль ва дарё портида) 39 та санитария-назорат пункти фаолияти йўлга қўйилган. Мутахассисларимиз сергак ва хушёр бўлиши керак. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Навоий халқаро аэропортларида фуқароларнинг тана ҳароратини масофадан туриб ўлчайдиган замонавий тепловизор ўрнатилган. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган санитария-назорат постлари контактсиз термометр (пирометр) билан таъминланган.

Эбола иситмаси касаллиги билан касалланиш ва республика худудига унинг четдан кириб келишига қарши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фуқароларимизни алоҳида зарурият бўлмаса, Фарбий Африка давлатларига бормасликни тавсия қилади.

Сайдмурод САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари.

Қарор ва ижро

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

**Диёримизда ёз чилласи чиқиб, тўкинчилик ва ба-
рака фасли – куз кириб келмоқда. Кексаларимиз
таъбири билан айтганда, қовун пўчоқ ерга тушса,
куз келганидан далолатдир. Вақт тезкор, ҳадемай
кузнинг илиқ кунларидан сўнг ёгингарчилик бош-
ланиб, ҳаво совийди. Об-ҳавонинг қулай имконият-
ларидан фойдаланган киши қиш кунларида қийнал-
майди, чунки у қишда учраши мумкин бўлган му-
аммоларни аввалдан ҳал қилади.**

Дарвоқе, ҳали куз келмай туриб, ёз кунларидаёқ мамлакатимизнинг барча ташкилот, корхона, муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўрилади, иситиш тизимлари – қозонхона, қувурларнинг носоз қисмлари таъмирланиб, ёқилги материаллари тайёрлаб қўйилади. Мамлакатимиз Президентининг 2014 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳақида”ги 2194-сонли Қарори ижросини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фаолиятларга жиддий эътибор қаратилиб, барча типдаги даволаш муассасаларининг куз-қиш мавсумига ҳозирлиги бўйича текширув ва назорат ишлари олиб борилмоқда. Мавсумга тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 30,0 миллиард сўмдан ортиқ маблағни йўналтириш мўлжалланган. Албатта, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бу масалага эътибор қаратилса, мўлжалдаги ишлар муваффақиятли яқунланиб, қиш фаслининг бета-лафот ва соз ўтиши таъминланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфида 5 мингга яқин даволаш муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий қисмида тиббиёт ходимлари жамоасининг унумли ва сифатли меҳнат қилиши учун зарурий шароит яратилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида бу жараёни мувофиқлаштириб борадиган махсус штаб ташкил этилиб, шакллантирилган ишчи гуруҳи аъзолари вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари билан доимий равишда алоқа ўрнатдилар. Кундалик олинган маълумотлар расмийлаштирилиб борил-

моқда. Гуруҳ аъзолари Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги тиббий иншоотларни бир қатор кўриқдан ўтказиб, иситиш тармоқлари, қозонхоналар, том қопламаларининг мавжуд ҳолатини ўрганиб чиқмоқдалар. Келтирилган ёки олиб келиниши мўлжалланаётган ёқилги захира-сининг қишки мавсумга етиш-етмаслиги ҳар бир тиббиёт муассасасида меҳнат қилаётган ходимлар иштирокида муҳокама қилиняпти ва бошқа камчиликлар ҳам аниқланмоқда.

**Тиббиёт муассасаларида-
ги ҳозирги ҳолат қандай, де-
ган савол барчамизни қизиқ-
тириши табиий.**

Йиллик режада белгиланган 373 та шифохона, 74 км.лик ис-
сиқлик тармоғи, 50 км.лик сув
ҳамда 22 км.дан зиёд газ тар-
моқлари, 1156 та қозонхоналар,
1146 дона иситиш қозонлари,
49 минг метр-квадрат юмшоқ
том, 34 минг метр-квадрат ши-
ферлик том қисми мукамал ва
жорий таъмирдан чиқарилди.
Шунингдек, 18 та муассасанинг
иситиш тизими локализация
қилиниб, 23 км.лик иссиқлик
тармоғининг изоляция қисми
тикланди, 55 мингдан ортиқ
ёритиш лампочкаси тежамкор-
ларига алмаштирилди.

Йилдан-йилга даволаш-про-
филактика шохобчаларида тиб-
бий хизмат сифатини ошириб
боришда мавжуд шарт-шароит-
ни аввалги йилларга нисбатан
яхшилаб бориш жараёни муҳим
роль ўйнайди. Агар 2012-2013
йиллар давомида 1200 та замо-
навий ҳар хил ёқилги турлари-
да ишлаш учун мослаштирил-
ган иситиш қозони ўрнатилган
бўлса, жорий йилда 601 та ис-
тиш қозонини ўрнатиш режа-
лаштирилган.

Тиббий хизматни намунали
ташкил этишда нафақат иситиш
тизимининг меъёрида ишлаши,
балки уларнинг зарурий ёритиш
воситалари билан таъминлани-
ши ҳам муҳим аҳамиятга эга
эканлигини унутмаслик керак.
Электр энергия таъминотида

узилиш ёки носозлик кузати-
лса, ўша жойда иш қийинлашиб,
даволаш жараёни мураккабла-
шади. Шу боис ҳудудий электр
тармоқлари корхонаси томони-
дан барча шифохона, қишлоқ
врачлик пункти, оилавий поли-
клиника ҳамда тиббий марказ-
ларнинг ёритувчи мосламалари
соз-носозлиги текшириб кўри-
лиши, камчилик-нуқсонлар бар-
тараф этилиши керак. Электр
энергияси таъминотида узилиш
содир бўладиган ҳудудлардаги
муассасаларда муаммони ҳал
қилиш учун генератордан фой-
даланилади. Ҳозирги вақтда 463
та 5-50 квт/соат қувват билан
ишлайдиган генератор ишла-
тилмоқда. Йил охиригача кў-
шимча равишда ҳар бир туман
тиббиёт бирлашмасини 1 тадан
100 квт/соат қувватли захира
электр генератори билан таъ-
минлаш режалаштирилган. Ушбу
воситадан биринчи галда шоши-
линч тез тиббий ёрдам, хирур-
гия, туғруқхона, болалар бўлим-
лари ва марказий қозонхона-
ларни электр энергияси билан
узлуksиз таъминланишига эри-
шилиши керак.

Юқоридаги амалга оширил-
ган кенг кўламдаги мавсумий
ишлар билан бир қаторда ўз
ечимини кутаётган муаммолар-
имиз ҳам йўқ эмас. Жумладан,
**Қорақалпоғистон Республи-
каси** Нукус шаҳридаги респуб-
лика юқумли касалликлар ши-
фохонасининг том қисми ва
ички хоналарини таъмирлаш
учун зарурий маблағ ажратил-
маган, шу боис ишлар якунига
етмаган. **Андижон вилояти**да-
ги даволаш-профилактика му-
ассасаларида 18 та эскириб,
деярли яроқсиз ҳолга келган
қозонни янгисига алмаштириш
учун керакли маблағ кеч ҳал
қилинган сабабли таъмирлаш
ишлари яқунламаган. **Бухоро
вилояти** тери-таносил касал-
ликлар диспансери, вилоят
юқумли касалликлар шифохона-
си, кўз касалликлари клини-
каси ҳамда ҳудудий онкология
диспансерининг канализация
тизими кўп йиллардан буён таъ-
мирланишга муҳтож. Керакли
бўлган маблағ масаласи маҳал-
лий ҳокимлик томонидан ҳал
этилмаган. Вилоят ҳокимлиги
бу масалаларни ҳал этишга
эътибор қаратиши лозим деб
билишимиз. **Жиззах шаҳридаги**
1-оилавий поликлиникани таъ-
мирлаш учун маблағ ажратил-

маган. Пахтакор тумани тибби-
ёт бирлашмасининг том қисми-
да таъмирлаш ишлари олиб бо-
рилмаган. Бахмал туман тибби-
ёт бирлашмасига қарашли «Но-
вқа» қишлоқ врачлик пункти,
шунингдек, Жиззах шаҳридаги
2-, 7-, 8-сонли оилавий поли-
клиникаларнинг том қисмлари
таъмирталаб. **Қашқадарё ви-
лоятининг** Нишон туман мар-
казий шифохонасининг иситиш
тизими ва қозонхонаси таъмир-
талаб бўлиб, таъмирлаш ишла-
рини амалга ошириш учун ке-
ракли маблағ масаласи ҳал
этилмаганлиги сабабли таъмир-
лаш ишлари бошланмаган.

Наманган вилоятида иситиш
қозони жуда эскирган, замона-
вий кўмир ёқилгисига мослаш-
тирилган қозон ўрнатилиши учун
ҳанузгача маблағ ажратилма-
гани муаммолигича қолмоқда.
Сирдарё вилоятидаги эндо-
кринология диспансерининг
том, фасад ва ички қисми, ис-
тиш тизими, шунингдек, Гулис-
тон тумани тиббиёт бирлашма-
си шошилинч тез тиббий ёрдам
ва болалар бўлимлари бинола-
рини мукамал таъмирлаш учун
керакли маблағ ажратилмаётган-
лиги сабабли муаммо ўз ечими-
ни кутмоқда. **Самарқанд ви-
лоятининг** Нарпай тумани тиб-
биёт бирлашмасига қарашли
юқумли касалликлар бўлими,
Самарқанд шаҳар тиббиёт бир-
лашмасига қарашли 7-оилавий
поликлиника хоналари, Булун-
гур тумани тиббиёт бирлашма-
сига қарашли “Чангал” ҚВП, Кат-
тақўрғон шаҳар тиббиёт бир-
лашмасига қарашли туғруқ маж-
муасидаги иситиш тизимлари
таъмирталаб бўлиб, таъмирлаш
ишлари олиб борилмаган. Шу-
нингдек, Оқдарё тумани тибби-
ёт бирлашмасига қарашли «Ми-
зом» ҚВП, Қўшрабат тумани
тиббиёт бирлашмаси марказий
шифохонаси, Нуробод ва Ургут

туманлари тиббиёт бирлаш-
маларига қарашли юқумли ка-
салликлар бўлимлари жой-
лашган бинолар томларида
таъмирлаш ишлари бошланма-
ган. Самарқанд тумани тибби-
ёт бирлашмасига қарашли
«Меҳробод» ҚВП, Оқдарё ту-
мани тиббиёт бирлашмасига
қарашли «Мизом» ҚВП, Ургут
туман тиббиёт бирлашмасига
қарашли юқумли касалликлар
бўлимидаги иситиш тизими
таъмирланмаганлиги афсуслар-
нари ҳолдир.

Мамлакатимизнинг жанубий
қисмида жойлашган **Сурхон-
дарё вилояти** қон куйиш мар-
казининг эскирган иситиш
қозонини алмаштириш, шунинг-
дек, Шарғун иختисослаш-
тирилган мажбурий даволаш
шифохонасига янги замонавий
иситиш қозонини ўрнатиш учун
талаб этилган маблағлар ма-
саласи ҳанузгача ҳал қилинма-
ган.

“Иссиқлик манбаи” ташки-
лотининг марказий қозонхо-
налари дерли фаолият кўрсат-
маётганлиги сабабли **Фарғо-
на шаҳридаги** 9 та ДПМ ис-
сиқлик билан таъминланмай-
ди. Бу ҳам, албатта, ачинарли
ҳолдир.

Хоразм вилояти перинатал
марказининг том ва фасад
қисмлари таъмирга муҳтож
бўлиб қолган. Бундай ҳолат-
ларга мутасадди раҳбарлар
ҳамон эътиборсиз қарамоқда.

Тошкент вилояти соғлиқни
сақлаш бошқармаси тизи-
мидаги даволаш-профилакти-
ка муассасаларининг куз-қиш
мавсумига тайёргарлигида ай-
рим муаммолар йўқ эмас. Мав-
жуд эскирган қозонларни ян-
гисига алмаштириш учун маб-
лағ керак. Лекин ҳанузгача бу
тўғрида масъуллар бош қоти-
рганларича йўқ. Шу сабабли
ишлар тўхтаб турибди.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, рақамлар шарҳи шунинг
кўрсатадики, ҳар бир ҳудуднинг қайсидир даволаш-профи-
лактика муассасасида ҳал қилиниши керак бўлган муаммо-
лар етарли. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ўз та-
сарруфидаги ДПМларида кўзга ташланаётган камчилик-нуқ-
сонларни ўз вақтида бартараф этишга киришмас экан, куз-
қиш мавсумида аввало ходимлар, қолаверса, аҳолида норо-
зилик кайфияти кузатилишига сабабчи бўлиб қолишини
унутмаслик керак. Зеро, қиш ғамини ёзда ейиш энг
катта муаммоларнинг ечими бўла олади.**

**Баҳодир ЭРҒАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
тиббиёт муассасаларида комплекс
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.**

2014 йил – Соғлом бола йили

ОНА СУТИ — МЕҲР БУЛОҒИ

**Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида Ўзбе-
кистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИ-
СЕФ халқаро ташкилоти ҳамкорлигида жорий йилнинг 4-10
август кунлари Бутунжаҳон кўкрак сuti билан боқишни қўллаб-
қувватлаш ва рағбатлантириш ҳафталиги ўтказилди.**

Даставвал Республика са-
ломатлик ва тиббий статисти-
ка институти вилоят филиали
ҳамда “Шифокор ва ҳаёт” га-
зетаси ходимлари ҳамкорли-
гида матбуот конференцияси
уюштирилиб, иштирокчиларга
ҳафталикни ўтказишдан кўз-
ланган мақсад ҳақида ахборот
берилди. Йиғилишда сўз ол-
ган вилоят соғлиқни сақлаш
бошқармаси бош неонатоло-

ги, кўкрак сутини тарғиб
қилиш дастури координатори
Дилбар Азизова жумладан
шундай деди:

– Вилотимиздаги 21 та тиб-
биёт маскани “Болаларга дў-
стона муносабатда бўлаётган
муассаса” сифатида эътироф
этилган. Бунга ўз-ўзидан
эришганимиз йўқ. Республика
иختисослаштирилган акушер-
лик ва гинекология илмий-ама-

лий тиббиёт маркази вилоят
филиалида гўдакни она сuti
билан боқиш, аёлнинг овқат-
ланиш рақсонини тўғри таш-
кил қилиш, соғлом турмуш тар-
зини йўлга қўйиш мавзулари
бўйича кўп маротаба суҳбат
ўтказдик. Мутахассислар тав-
сияси, илмий-амалий хулоса-
си билан танишаётган қишлоқ
врачлик пунктлари, оилавий
поликлиникаларнинг бош ши-
фокорлари шу йўналишдаги
ишларни аҳоли ўртасида тар-
ғиб қилмоқдалар.

Ҳафталик доирасида Уйчи,
Тўрақўрғон тиббиёт бирлашма-

лари шифокорлари учун “Ис-
тисносиз кўкрак сuti билан
гўдакларни боқишни тарғиб
қилишда тиббиёт муассаса-
ларининг ўрни” мавзусида
семинар-йиғилиш ўтказилиб,
кун тартибидеги долзарб ма-
саланинг мазмун-моҳияти ат-
рофлича муҳокама қилинди.

Наманган вилоятида ўтка-
зилган ушбу ҳафталик “Соғлом
бола йили” Давлат дастури иж-
росига қўшилган муносиб
ҳисса бўлди.

**Рустамали
МАМАДАЛИЕВ,
Наманган вилояти.**



Конференция

ЭКОСАН - ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Экология ва саломатликни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазасига ҳисса қўшиш масаласида бугун мамлакатимизда фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни тобора ортиб бормоқда. Улар қаторида "Экосан" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди ҳам салмоқли ишларни амалга оширгани билан алоҳида ажралиб туради. Ўтган йиллар мобайнида фонд томонидан ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Мазкур ҳафта Тошкент шаҳридаги "Пойтахт" бизнес марказида "Экосан" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фондининг навбатдаги муассислар конференцияси ўтказилиб, унда фонднинг 2009-2013 йилларда амалга оширган фаолияти атрофлича сарҳисоб қилинди.

Қайд этилганидек, фонд ўз фаолиятини асосан, 4 та йўналишда амалга оширди. Жумладан, **аҳоли ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни табиат билан уйғунликда муносабатда бўлишини тарғиб қилиш йўналишида** идора ва ташкилотлар, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, "Баркамол авлодни тарбиялашда экологик онг ва маданиятнинг ўрни", "Экология ва ёшлар", "Барқарор экология - бизнинг келажгимиз" мавзуларида 200 дан ортиқ учрашувлар, давра суҳбатлари, анжуман ва семинарлар ўтказилди. Барча тадбирларда фонд томонидан нашр қилинган жами 34 минг та карта, рангли плакат ва адабиётлар тарқатилди.

Экологик носоз минтақалардаги ижтимоий-гигиеник ва экологик шароитларни яхшилаш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш йўналишида 2009-2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм,

Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган бир қатор лойиҳа ишлари муваффақиятли амалга оширилди.

Саломатлик ва экологик



ҳолатни таъминлаш йўналишида асосан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кўрик-танловлар ташкил этилди. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда "Тошкент экологияси: менинг уйим - менинг шахрим", Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан "Энг мурувватли қўшни", "Баркамол авлод" республика техник ижодиёт маркази билан "Йилнинг энг яхши иқтидорли, ижодкор ёш ихтирочиси", Табиатни муҳофаза қилиш давлат

қўмитаси билан ҳамкорликда "Қоплон" республика танловлари ташкил этилиб, савияли ўтказилди.

Ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд аҳоли қатламига хайрия ёрдамлари кўрсатиш йўналишида сўнгги беш йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига инсонпарварлик ёрдами ортилган ҳамда флюорография, электрокардиограмма аппаратлари, стоматология кабинети ва бошқа зарур замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган "ЭКОСАН - Ўзбекистон темир йўллари" са-

ломатлик поезде юборилди. Ушбу хайрия тадбири доирасида бир марталик шприцлар, рентген плёнчалари ва дезинфекция воситалари туманлардаги тиббиёт муассасаларига топширилди.

"Экосан" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди ўз номидан келиб чиқиб, халқаро ҳамкорлик алоқаларини ҳам яхши йўлга қўйган бўлиб, бир қанча халқаро ташкилотлар билан ижтимоий лойиҳалар ва тадбирларни олиб борди.



Муассислар конференциясида фонднинг атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлиги борасидаги устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 2014-2019 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури муҳокама этилди ва таклифлар асосида тасдиқланди.

Ҳаракат дастури фонднинг келажакдаги фаолиятининг асосий йўналишларини қамраб олган, - **дейди Экосан" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди бошқарув раиси Наримон Умаров.** - Жумладан, аҳолининг ижтимоий-гигиеник ва экологик шароитини, ичимлик суви билан таъминлаш ҳолатини яхшилаш, экологик тоза, қайта тикланувчи (муқобил) энергия манбалари технологияларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, экологик носоз минтақалар аҳолисини соғломлаштириш, маслаҳат ва даволаш-профилактика ишларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, хайрия ёрдамлари кўрсатиш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ҳимоя

қилиш, экотуризмни ривожлантириш бўйича фаолиятини жадаллаштириш ҳамда аҳолининг экологик саводхонлиги ва маданиятини ошириш, бу борада адабиётлар, плакатлар чоп этиш ва тарқатиш каби масалалар ҳам зиммамиздаги энг устувор вазифалар сирасига киради.

Конференцияда "Экосан" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фондининг уставиға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Бундан ташқари, фонднинг муассислари таркибига ўзгартиш киритилди ҳамда васийлар кенгашининг янги таркиби, раиси ва раис ўринбосари сайланди. Унга кўра, васийлик кенгаши раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Республика Бош давлат санитария врачси Сайдумурод Сайдалиев тайинланди.

Муассислар конференциясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Адҳам Икрамов иштирок этди.

Элмурод ЭГАМКҮЛОВ.
Суратлар муаллифи
Жасур ЖАЛИЛОВ.

Юртимиз шифохоналарида

СИФАТЛИ ТИББИЙ ЁРДАМ

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга устувор эътибор қаратиб келмоқда.



Марказда тиреоидология, эндокрин жарроҳлиги, диабетология, нейроэндокринология, нейрохирургия, репродуктив эндокринология ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар фаолият кўрсатади. Айни пайтда бу ерда 140 дан ортиқ шифокор ва ҳамшира аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани Мирзамурод Абдуллаев номидаги қишлоқ врачлик пункти "Ойбўйир" ва "Оқ ёп" овул фуқаролар йиғинларидаги олти ярим минг нафарга яқин аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатади.

Тиббий муассасанинг физиотерапия, лаборатория, болалар ва аёлларни кўриқдан ўтказиш хоналари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Жорий йилнинг биринчи ярмида туман тиб-



биёт бирлашмаси шифокорлари иштирокида овуллар аҳолиси ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди ва соғломлаштириш тадбирлари ба- жарилди. Айни пайтда эрта турмуш қуришнинг но- хуш оқибатлари, гиёҳвандликнинг инсон саломатли- гига салбий таъсири ва юқумли касалликлар бўйича тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

СУРАТЛАРДА: Шуманай туманидаги Мирзамурод Абдуллаев номидаги қишлоқ врачлик пункти фаоли- ятидан лавҳалар.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
олган суратлар.

Долзарб мавзу

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ —
ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Атроф-муҳит муҳофазаси ва миллий қонунчилик

Кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик мувозанатни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралаётгани бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Агар кейинги йилларда sanoat корхоналари томонидан атмосфера ҳавосига зарарли газлар чиқарилиши билан боғлиқ масалани таҳлил қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш ускуналарининг замонавийлаштирилиши натижасида чиқинди миқдори кескин камайгани, бундан ташқари, наботот ёки ҳайвонот дунёси тобора бойиб бораётганини кўриш мумкин.

Президентимиз 2010 йилнинг 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида маъруза қилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да таъкидланганидек, давр масала ечимига янада чуқурроқ ёндашув заруратини тақозо этмоқда.

Асосий Қомусимизда ҳам халқимизнинг умуммиллий бойлиги ҳисобланган табиий ресурсларнинг давлат муҳофазасида эканлиги кўрсатилган бўлиб, биринчидан, табиий ресурсларга нисбатан давлат мулк ҳуқуқининг қўлланилиши, иккинчидан, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қоида-талаблари давлат-ҳуқуқий механизми орқали ҳимоя этилишини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ушбу қоида-талаблар экологик-ҳуқуқий муносабатлар тизимининг асосий тамойилларини мустақамлаб, давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ва республикаимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажакда кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”. Зеро, жамиятимиз аъзоларининг юксак масъулиятларидан бири – бу табиат бойликларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш вазифасидир.

Табиатни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар Бош Қомусимиз асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунлари билан тартибга солинади: “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Давлат санитария назорати тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”,

“Ер кодекси”, “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Ўрмон тўғрисида”, “Экологик экспертиза тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқуллодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”, “Радиация хавфсизлиги тўғрисида”, “Чиқиндилар тўғрисида”, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги тўғрисида” ҳамда “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари.

Айни кунларда экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳамда жойлардаги экоҳаракат фаоллари ва сайловчилар томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Экологик вазиятни баҳолаш

Сайёрамиздаги энг қадимий ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бундан 40-45 йил олдин ҳам ўзининг катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда турар эди. Шу билан бирга у ўзининг табиий захираларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этиб, ўз навбатида, мазкур ҳудуд табиий биохимия-хиллигининг асоси ҳамдир.

Бугун Орол денгизининг сув ҳажми 13 мартадан кўпроққа, умумий майдони ҳажми 7 мартадан зиёдга қисқарди. Сувининг сатҳи 26 метрга пасайиб кетди. Қирғоғи юзлаб километрга чекиниб, сувининг шўрланиши гарбий қисмида ҳар литрида 120 граммга, шарқий қисмида эса 280 граммгача етди.

Экологик офат Оролбўйида яшовчи миллионлаб кишиларнинг турмуш тарзига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Орол инқирози яхлит ва мураккаб, бир-бирига узвий боғлиқ халқаро аҳамиятга молик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни вуждга келтирди.

Оролбўйида чўлланишнинг кучайиши ер ресурслари қисқаришига, табиий яйловлар ва чорва моллари учун озуқа сифати пасайишига, ер майдонларининг шўрланиш даражаси ошишига, шўрланиш янги-янги кенгликларни қамраб олишига сабаб бўлаётир. Энг ачинарлиси, чўлланишнинг кескин кучайиши

Оролбўйида биологик маҳсулдорлик 10 баробар камайишига олиб келди. Ҳудуднинг кўплаб жойларидаги тупроқда ва ерости сувларида туз миқдори меъёридан ошгани туфайли турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг имкони камайди.

Эндиликда Оролбўйи ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ярмидан кўпи камайиб кетди. Минтақа фауна олами кулон, архар, йўл-йўл сиртлон, гепард каби ноёб жониворлардан маҳрум бўлди. Сайгоқлар сони кескин қисқариб, ҳатто уларнинг бутунлай йўқолиш хавфи ҳам юзага келди.

Масалага оқилона муносабат

Айни пайтда дунёнинг барча минтақалари учун сув ресурсларини самарали тақсимлаш ўта долзарб бўлиб қолди. Шундан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, айни пайтда айрим давлатлар томонидан янги ва улкан гидроиншоотлар қурилишига зўр берилиши трансчегаравий сув манбаларидан фойдаланишда сунъий зўриқишни вуждга келтиради, дарё сувларида ифлослантирувчи моддалар кўпайишига сабаб бўлади. Шундай экан, янги қуриладиган гидроиншоотларни экологик ва техник экспертизадан ўтказиш замон талабидир.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига асосан, дарёларнинг оқори қисмида жойлашган давлатлар трансчегаравий сув оқимларидан адолатли ва оқилона фойдаланишлари зарур.

Мустақилликнинг илк йилларида Орол Ўзбекистон Орол фожиясини тўхтатиш ва унинг асолатли оқибатларини юмшатиш бўйича жуда катта саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик хайрия жамғармаси ташкил этилди. Марказий Осиё давлатларининг Орол ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этишдаги ҳамкорлиги 1993 йилда ташкил этилган Оролни кутқариш халқаро жамғармаси фаолиятида ўз аксини топди. Унинг доирасида икки босқичдаги Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ҳал этиш бўйича Дастур амалга оширилди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2020 йилга қадар Қорақалпоғистон Республикасининг сув таъминотини яхшилашга қаратилган йўналишлар ишлаб чиқилиб, унда белгиланган муддатларда минтақадаги шаҳар аҳолисини юз фоиз, қишлоқ аҳолисини саксон фоиз тоза ичимлик суви билан таъминлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон БМТ Тараққиёт Дастури билан қатор лойиҳаларни биргаликда амалга оширмоқда. Жумладан, ҳамкорликдаги “Тоза энергия” лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш орқали Қорақалпоғистоннинг олис қишлоқлари ва овулларида аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳозирга қадар 50 дан ортиқ куёш электр станцияси ўрнатилди. Ушбу лойиҳалар доирасидаги тадбирлар тўлақонли бажарилгач, бундай

сунъий сув ҳавзаларининг умумий сатҳи қарийб 230 минг гектарни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, ҳудуддаги биохимия-хиллиқни тиклаш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, балиқчилик ва чорвачилиқни ривожлантириш ҳисобидан уларнинг бандлик даражасини ошириш имконини беради.

Трансчегаравий масалалар – долзарб

Сўнгги йилларда айрим қўшни давлатларнинг трансчегаравий дарёлардан фойдаланишда фақат ички манфаатларни ҳисобга олишлари минтақамизда янги экологик муаммолар келиб чиқиш хавфини кучайтираётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2001 йил 28 декабрдаги Тошкент баёнотида минтақадаги сув объектлари, сув-энергетик ресурслари ва иншоотларидан оқилона ва ўзаро самарали фойдаланиш халқларимиз манфаатларига хизмат қилишига ўзаро ишонч билдирилган бўлишига қарамастан, шу кунларда қўшни Тожикистон Республикасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига зид равишда Роғун ГЭСи қурилиши жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон томони ушбу объект қурилиши минтақа халқлари учун оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигига бир неча маротаба жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, бир қанча асосли ва ҳақли талабларни илгари суриб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тожикистон Республикаси Бош вазирига мурожаатида бу ҳудудда қурилиши давом эттирилаётган Роғун ГЭСи гоёт улкан иншоот эканлиги, уни барпо этишдан аввал, у келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни ҳолис баҳолаш лозимлиги қайд этилган. Шунингдек, ушбу лойиҳанинг Орол ҳалокати оқибатларида минтақамизда юзага келган заиф экологик мувозанатга янада жиддий путур етказиши, жумладан Амударёда сув оқими ҳажми ва тартиби ўзгаришига кўрсатадиган таъсирини инobatга олиш, шунингдек, мазкур лойиҳанинг техноген хусусиятга эга таҳдидлари, биринчи навбатда, кучли zilзилалар хавфидан нечоғли ҳимояланганлик даражасига, Роғун ГЭСи қурилиши мўлжалланган жой тектоник ёрилиш чизиғи (10 баллик сейсмик ҳудуд)да жойлашганлиги ўта оғир табиий офатларни келтириб чиқариши мумкинлиги каби ҳолатларга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Тожикистон Республикаси Турсунзода шаҳрида жойлашган алюмин заводи фаолияти ҳам минтақамиз учун жид-

дий экологик хавф-хатарни келтириб чиқармоқда. Бу завод қўшни Тожикистон иқтисодиётига катта улуш қўшаётган ва республика учун валюта тушумини таъминловчи ягона корхона, десак муболага бўлмайди. Аммо унинг фаолияти юртимизнинг экологик хавфсизлигига салбий таъсири 40 дан зиёд турдаги ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалашидан ифодаланмоқда. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари Давлат қўмитаси тупроқшунослик ва агрохимё институти маълумотларига кўра, Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларида (Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой) биргина фтор бирикмаларининг атмосфера ҳавоси ва тупроқларда тўпланганлик даражаси санитария нормалардан 7,2 баробарга кўпдир.

Табиат мусаффолиги – халқаро ҳуқуқий доирада

Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида аниқ қилиб кўрсатилган принциплардан бири “Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, минтақавий ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш”дир, чунки табиатда содир бўладиган жараён ва ҳолатлар, жамиятдагидан фарқли ўларок, на маъмурий, на табиий чегарани билади. Халқаро миқёсда экологик хавфсизликни таъминлаш – атроф-муҳит сифатини тирик организмлар учун мақбул даражада таъминлайдиган, қайта тиклайдиган ва янгилаб борадиган халқаро муносабатларни шакллантиришни тақозо қилади. Бу борада БМТ, давлатлараро ва нодавлат ташкилотларининг эгаллаган ўрни ва уларнинг экологик масалалар ечимини топишдаги аҳамияти кундан-кунга ўсиб бормоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида, яъни Иккинчи жаҳон уруши якунланиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилиши халқаро хавфсизликка таҳдид солаётган масалалар жумласига экологик муаммоларни ҳам киритди. Шу асрнинг 60-70-йилларида “совуқ уруш” оқибатида Ер қуррасидаги инсонлар ҳаётига таъвоуз солаётган уч муаммо – ядро тўқнашуви, ёппасига тарқалувчи касалликлар ва учинчи ўринда экологик муаммолар қўйилган бўлса, 90-йилларга келиб экологик муаммо ва уларни ҳал қилиш масаласи етакчи ўринни эгаллаб олди.

XXI аср бўсафасида инсонларнинг экологик онг ва тафаккурида кескин ўзгаришлар даври бўлди, десак муболага бўлмайди. Эндиликда экологик муаммо ҳар бир инсоннинг қалбида ҳамда унинг ҳозирги ва келажак авлодлар олдиданги масъулият ҳисси уйғона бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, экологик хавфсизлигини таъминлаш бутун дунё ҳамжамиятининг олдидан турган долзарб масала экан, бу унинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмининг ишлаб чиқиш, инсонлар саломатлигини ҳимоялашдек масъулиятни ошириш янгидан-янги лойиҳалар, чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Намоз ТОЛИПОВ.

Актуальная тема

ПРОФИЛАКТИКА БЕШЕНСТВА

Бешенство является вирусным зоонозом, поражающим домашних и диких животных. Оно передается другим животным и людям при тесном контакте со слюной инфицированных животных (то есть при укусах, царапинах, а также облизывании поврежденной кожи и слизистых оболочек). С момента появления симптомов болезни она является смертельной как для животных, так и для людей.

Первые симптомы заболевания носят общий характер и затрагивают дыхательные пути, желудочно-кишечный тракт и/или центральную нервную систему. В острой стадии заболевания проявляются признаки гиперактивности (буйное бешенство) или паралича (тихое бешенство). В обоих случаях паралич развивается и в конечном итоге принимает форму полного паралича с последующей комой и смертью во всех случаях, обычно наступающей в результате дыхательной недостаточности. Без интенсивного лечения смерть наступает в течение первых семи дней болезни.

Заболееваемость

Недостаточность надежных данных о заболееваемости бешенством во многих частях мира затрудняет оценку всех последствий этой болезни на здоровье людей и животных. По поручению ВОЗ, в 2004 г. была проведена переоценка бремени бешенства. В соответствии с этим исследованием ежегодно во всем мире происходит 55 000 случаев смерти в результате бешенства, причем подавляющее большинство из этих случаев приходится на сельские районы Африки и Азии. По оценкам, каждый год 10 миллионов людей получают постэкспозиционное лечение после контакта с животными, у которых подозревается бешенство.

По данным исследования, основная часть бремени бешенства для общественного здравоохранения приходится на Азию (по оценкам, 31 000 случаев смерти), а соответствующий показатель для Африки (24 000 случаев смерти) значительно превысил предыдущие оценки. На Азию также приходится 96,5 % экономического бремени бешенства в развивающихся странах при ежегодном расходовании 560 миллионов долларов США, главным образом, на постэкспозиционную профилактику.

В конце 1990-х – начале 2000-х годов в результате проведения кампаний пероральной вакцинации в западноевропейских странах (например, в Швейцарии в 1999 г., Франции в 2000 г., Бельгии и Люксембурге в 2001 г. и Чешской Республике в 2004 г.) заболееваемость бешенством среди диких животных снизилась. С помощью этой методики можно полностью ликвидировать бешенство в его природных резервуарах в Западной Европе. В некоторых развивающихся странах, эндемичных по собачьему бешенству (таких как Индия, Республика Южная Африка и Шри-Ланка), проводится оценка программ пероральной вакцинации собак. Сообщается также о значительном уменьшении за последние годы числа случаев заболевания людей бешенством в Южной

Америке и некоторых странах Азии благодаря осуществлению программ по улучшению постэкспозиционного лечения людей и вакцинации собак.

Передача инфекции

В развитых странах носителями бешенства являются в основном дикие животные, от которых болезнь передается домашним животным и людям. В последнее время значительным эпидемиологическим резервуаром бешенства в некоторых частях мира (например, в Америке и Австралии) стали летучие мыши. В Северной Америке большинство зарегистрированных случаев смерти людей от бешенства произошло в результате инфицирования вирусом бешенства серебристоусой летучей мыши, а в Австралии, по меньшей мере, два человека скончались в результате инфицирования ранее неизвестным вирусом бешенства. В Южной Америке возрастает заболееваемость бешенством среди диких животных, особенно среди летучих мышей. В 2003 г. число людей в Южной Америке, скончавшихся от бешенства, последовавшего в результате укусов диких животных, впервые превысило число людей, умерших от бешенства, развившегося после укусов собак. Однако в Африке и Азии собаки по-прежнему являются основными носителями бешенства, а их укусы приводят к основному количеству случаев смерти людей от бешенства во всем мире.

Самым распространенным способом заражения людей бешенством являются укусы инфицированных собак и кошек, диких плотоядных животных, таких как лисицы, еноты, скунсы, шакалы и волки, а также насекомоядных летучих мышей и летучих мышей-вампира. Крупный рогатый скот, лошади, олени и другие травоядные животные могут заразиться бешенством, но, несмотря на то, что потенциально они могут

передавать вирус другим животным и человеку, это случается редко.

Постэкспозиционное лечение

Наиболее эффективным средством защиты от бешенства является промывание раны или места контакта мылом и водой, моющим средством или просто водой с последующей обработкой этанолом, тинктурой или водным раствором йода. В соответствии с признанными ВОЗ схемами вакцинации вакцину от бешенства необходимо вводить при контакте с источником заражения II и III категории. Всем пациентам в случае контакта с источником заражения III категории, а также пациентам с ослабленным иммунитетом в случае контакта II категории необходимо вводить антирабический иммуноглобулин (антитела). Наложение швов (закрывание раны) должно быть отложено, а при необходимости сначала должен быть введен иммуноглобулин. При наличии показаний следует вводить противостолбнячные средства, противомикробные препараты и лекарства от других инфекций.

Использование очищенных лошадиных иммуноглобулинов может лишь частично решить существующие проблемы, связанные с нехваткой и высокой стоимостью человеческого иммуноглобулина. Более подробную информацию о пред-



постэкспозиционном лечении можно найти в руководстве ВОЗ по постэкспозиционному лечению бешенства.

В случае контакта человека с животным, у которого подозревается бешенство, необходимо принять срочные меры для нахождения, поимки или уничтожения такого животного. В случае контакта с источником заражения III категории необходимо срочно начать постэкспозиционное лечение, которое можно прекратить в том случае, если животным является собака или кошка, которая остается здоровой в течение 10 дней. Необходимо взять образцы тканей у мертвых животных и отослать их в компетентные лаборатории для диагностирования. Необходимо поставить в известность соответствующие ветеринарные службы и получить информацию об эпидемиологической ситуации в районе.

Вакцины и иммунизация

Вакцины от бешенства на основе нервных тканей, до сих пор используемые в некоторых развивающихся странах, должны быть сняты

с производства. Необходимо использовать высокоочищенные и эффективные современные вакцины, приготовленные на основе культур клеток и яиц с развивающимися эмбрионами. В развивающихся странах, для которых стоимость пятидозовой внутримышечной вакцины чрезмерно высока, были успешно применены сокращенные схемы вакцинации и другие способы введения вакцины (в частности, внутрикожный). Помимо вакцинации по схеме Эссен, которая производится на 0, 3, 7, 14 и 28 день в дельтовидную мышцу, следующие сокращенные схемы подкожной вакцинации также отвечают требованиям ВОЗ.

Схемы вакцинации для подкожного введения "The Red Cross 2-site" ("2-2-2-0-



1-1") и "8-0-4-0-1-1" были оценены и широко применены вместо вакцин на основе нервных тканей в некоторых развивающихся странах, где невозможно применение дорогостоящих схем внутримышечной вакцинации. Подкожные инъекции должны делать обученные этой технике специалисты.

Антирабический иммуноглобулин

Антирабический иммуноглобулин имеет высокую стоимость и в большинстве развивающихся стран, эндемичных по собачьему бешенству, его может не быть или его запасы могут быть ограничены. Однако введение антирабического иммуноглобулина необходимо во всех случаях контакта с источником заражения III категории и в случаях контакта II категории людей с ослабленным иммунитетом. В развивающихся странах используется как очищенный лошадиный иммуноглобулин, так и человеческий иммуноглобулин. По возможности вся доза антирабического иммуноглобулина должна быть введена в пораженное место и вокруг него. При наличии остатка его следует вводить внутримышечно в место, достаточное удаленное от места введения вакцины.

Если доза иммуноглобулина слишком мала для инфильтрации всех ран (например, в том случае, если сильно покусан ребенок), то необходимая для более полной обработки ран доза антирабического иммуноглобулина может быть разведена в забуферном физиологическом растворе.

Вакцинация людей с ослабленным иммунитетом

У людей с сильно ослабленным иммунитетом может

отсутствовать иммунологическая реакция после антирабической вакцинации. Поэтому для предотвращения смертельного исхода очень важно быстро и правильно обработать рану после контакта с источником заражения. Кроме этого, всем пациентам с ослабленным иммунитетом, имеющим раны II и III категории, необходимо вводить антирабический иммуноглобулин.

Бешенство у детей

По имеющимся данным, 30-60 % жертв укусов собак в районах, эндемичных по собачьему бешенству, – дети до 15 лет. Большинство из этих детей не получают соответствующего лечения, так как они не сообщают о происшедшем родителям или медицинским работникам. Для снижения коэффициента смертности среди детей в странах, где не производится успешная вакцинация собак от бешенства и не проводятся соответствующие программы по контролю, необходимо усилить или начать проводить следующие виды деятельности: 1). Проводить надлежащую и немедленную обработку ран от укусов собак; 2). Расширить доступ уязвимых групп населения к современным вакцинам на основе культур клеток, в том числе доступ детей, живущих в районах, высоко эндемичных по собачьему бешенству, к предэкспозиционной вакцинации; 3). Содействовать надлежащему проведению эффективного и экономичного постэкспозиционного лечения от бешенства; 4). Осуществлять профилактику собачьего бешенства путем вакцинации собак и повышения ответственности владельцев собак.

Выводы

Программы по ликвидации бешенства, нацеленные, главным образом, на массовую вакцинацию собак, во многом оправданы благодаря будущей экономии средств на прерывании программ по профилактике. Тем не менее, до тех пор, пока собачье бешенство не будет ликвидировано или, по крайней мере, не будет контролироваться должным образом, желательнее место использования вакцин на основе нервных тканей проводить более безопасное и более экономичное постэкспозиционное лечение людей. Предэкспозиционная вакцинация широко и успешно проводится в развитых странах для профилактики бешенства среди групп населения повышенного риска и должна проводиться среди детей, живущих в районах, высоко эндемичных по собачьему бешенству.

Эльвира МАРКАЕВА,
директор
Ташкентского
городского института
здоровья и
медстатистики.



Шу кунларда бутун мамлакатимиз миқёсида истиқлолимизнинг 23 йиллигига бағишлаб байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, республика тиббиёт муассасаларида ҳам бу улуг байрам ўзгача шуқуҳ билан кутиб олинмоқда.

Куни кеча Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасида Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлиги, Тошкент Давлат стоматология институти, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ҳамда Маънавият-тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари Ҳамза тумани бўлимлари ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шiori остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирда Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси бош врачси Жасур Ризаев, Тошкент тиббиёт академияси стоматология факультети декани Нигмон Хабилов сўз олиб, истиқлол даврида тиббиёт тизимида эришилган ютуқлар хусусида тўхталди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Тошкент

Давлат стоматология институти мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида ташкил этилганлиги ҳам соғлиқни сақлаш тизимига қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эканлигини фахр билан тилга олдилар.

Мазкур тадбирда маданият ва санъат усталари, таниқли кино ижодкорлари ҳамда ёш хонандалар иштирок этиб, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасида фаолият юритаётган шифокору ҳамширалар, шунингдек, меҳнат фахрийларини энг улуг ва энг азиз истиқлол байрами билан самимий қутладилар.

Шуқуҳ

ҚАЛЬЛАРДА БАЙРАМ ТАРОВАТИ

– Ўтган 23 йил тарих учун қисқа давр бўлса-да, мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ўзгаришлар юз берди, – дейди “Ўзбекино” миллий агентлиги актёри Адиз Ражабов. – Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалга оширилган ислохотлар натижасида бугун қаерга борманг, замонавий тиббиёт муассасалари, энг сўнги русумдаги аппаратуралар, малакали кадрларнинг сифатли тиббий хизматиға гувоҳ бўласиз. Бу албатта, давлатимиз томонидан инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлигига қаратилганлиги билан жуда аҳамиятлидир. Биз санъат аҳли ҳам барча тиббиёт ходимлари меҳнати қанчалик масъулиятли, аммо шарафли

эканлигини кўриб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, истиқлолимизнинг 23 йиллиги билан соҳа ходимларини чин дилдан табриклар қоламан.

Ўзнинг кўп йиллик меҳнатлари билан жамоа, қолаверса, халқимиз орасида обрў-этиборға эға бўлган бир гуруҳ соҳа ходимлари ташкилотчилар томонидан совғалар билан тақдирланди.

Тадбир якунида халқимизнинг таниқли санъаткорлари ўзларининг жозибали куй-кўшиқлари билан иштирокчилар қалбига янада завқ бағишлашди.

Анвар САМАТХОДЖАЕВ.
Муаллиф олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2014 йил 1 августдаги 9-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг амал

қилиши тугатилган ва вақтинча тўхтатилган, хўжалик судининг ҳал қилувчи қарорига асосан амал қилиши тугатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

Ўз аризасига кўра амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Андижон вилояти	Андижон тумани, Хакан ҚФЙ, “Қоратўт” маҳалласи, Наилна кўчаси, 8-үй	“АНДИЖОНПАССАЖИРТРА НОСЕРВИС” МҲК	Ю-0294 05.12.2009 й. берилган
2	Андижон вилояти	Андижон шаҳри, А.Томур шаҳрчаси, 44-үй	“МАЛМКА ЭРДИН СТАНДАРТ” МҲК	1378-00 15.06.2012 й. берилган
3	Бухоро вилояти	Бухоро тумани, Галасоий шаҳри, Буюк Илён йўли кўчаси, 126-үй	“SHUKRULLO SHIFO” хусусий корхонаси	Ю-0138 26.07.2009 й. берилган
4	Қашқадарё вилояти	Қосон тумани, “Ўрта Оброк” МФЙ, Т.Хўшавот кўчаси	“FERROKAL SHIFOBAXSH” МҲК	Ю-1030 26.08.2011 й. берилган

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Бухоро вилояти	Риванган шаҳри, Баҳадирстан кўчаси, 17/3-үй	“NARZULLO FIDELA FARODI” МҲК	Ю-3919 23.04.2011 й. берилган	Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 8-июлдаги 20-1402/8561-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган
2	Андижон вилояти	Андижон шаҳри, 1-кўчак дая, 7-үй, 33-қонадон	“OZOD-MED SERVIS” МҲК	Ю-3968 19.07.2011 й. берилган	Андижон вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 16-июлдаги 17-1411/5584-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Тошкент шаҳри	Чулпонсаро тумани, Чилонсаро 102-маҳалла, 47-үй, 28-қонадон	“MONADA-AMON” МҲК	1346-00 30.05.2012 й. берилган	2014 йил 18 июлдаги 36-сонли ҳал қилув асосан (18.07.2014 йилдан 18.01.2015 йилга қадар) 6 ойга
2	Фарғона вилояти	Қувасой шаҳри, Мустиқлик кўчаси, 138-үй	FARG'ONA NIDONATI QUVASOY SHAHAR "QUVASOYSHIFET" OCHIQ AKSIYADORLIK JAM'IYATI	Ю-1002 19.07.2011 й. берилган	2014 йил 21 июлдаги 541-сонли ҳал қилув асосан (01.04.2014 йилдан 25.01.2015 йилга қадар) 9 ойга
3	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри, 8-сонли “Соғбўйи” МФЙ, Баҳо кўчаси, 22-А ўйи	“AL AZIMBEK SHIFO” хусусий корхонаси	1683-00 15.05.2013 й. берилган	2014 йил 25 июлдаги 10-сонли ҳал қилув асосан (25.07.2014 йилдан 25.03.2014 йилга қадар) 2 ойга
4	Фарғона вилояти	Кўнган шаҳри, 17-сонли Қалъас МФЙ, Шохрӯрқабд кўчаси, 4-үй	“OZODON ORTO SERVIS” МҲК	2385-00 10.12.2013 й. берилган	2014 йил 29 июлдаги 59-сонли ҳал қилув асосан (01.08.2014 йилдан 31.05.2014 йилга қадар) 1 ойга
5	Фарғона вилояти	Буюқда тумани, Ибрат ЦФЙ, Релифурон қишлоқи, Қалъас кўчасида	“SIPPOKRAI MED SERVIS” хусусий корхонаси	1535-00 23.10.2012 й. берилган	2014 йил 14 июлдаги 2-сонли ҳал қилув асосан 15.07.2014 йилдан 15.08.2014 йилга қадар 1 ойга
6	Наманган вилояти	Наманган тумани, Ибрагим ҚФЙ, Ўлбўбек кўчаси, 78-үй	“ABDULAZIZ MED SERVIS” МҲК	1434-00 17.07.2012 й. берилган	2014 йил 9 июлдаги 3-сонли ҳал қилув асосан (09.07.2014 йилдан 09.01.2015 йилга қадар) 6 ойга

Агар сизда саволлар, фикр-мулоҳаза ва тақлифлар бўлса, қуйидаги телефон рақами ва электрон манзилларимизга мурожаат қилишингиз мумкин:
(8-371) 233-13-22,
info@uzssgzt.uz,
info@minzdrav.uz

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази неврология бўлими катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди **Абдурахмон ЗОХИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси неврология бўлими катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди **Абдурахмон ЗОХИДОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир **Асилбек ХУДАЯРОВ**
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 30-үй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-үй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи **Бахтиёр ҚҶШОҚОВ**.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 5439 нусха.
Буюртма Г-858.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.
Топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5

